ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.К.01.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

МАЛЫШЕВ МАКСИМ СВЯТОСЛАВОВИЧ

МЕДАМИН ВА АЛЬБЕНДАЗОЛНИ КАРБОКСИЛ ГУРУҲ ТУТГАН ПОЛИМЕРЛАР БИЛАН ТАЪСИРЛАШУВИНИНГ ФИЗИК-КИМЁВИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

02.00.04 – Физик кимё
02.00.06 – Юқори молекуляр бирикмалар

КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент-2019

УДК 541.64:128.1-126:542.8 (021)

Фалсафа (PhD) доктори диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Малышев Максим Святославович
Медамин ва альбендазолни карбоксил гуруҳ тутган полимерлар билан таъсирлашувининг физик-кимёвий хусусиятлари 3

Малышев Максим Святославович
Изучение физико-химических особенностей взаимодействия медамина и альбендазола с карбоксилсодержащими полимерами ……. 21

Malishev Maksim
Study of the physico-chemical features of the interaction of medamine and albendazole with carboxyl-containing polymers .....……... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати
Список опубликованных работ
List of published works ……..... 42

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.К.01.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

МАЛЫШЕВ МАКСИМ СВЯТОСЛАВОВИЧ

МЕДАМИН ВА АЛЬБЕНДАЗОЛНИ КАРБОКСИЛ ГУРУҲ ТУТГАН ПОЛИМЕРЛАР БИЛАН ТАЪСИРЛАШУВИНИНГ ФИЗИК-КИМЁВИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

02.00.04 – Физик кимё
02.00.06 – Юқори молекуляр бирикмалар

КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент-2019

Кимё фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2018.1.PhD/K89 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.ik-kimyo.nuuz.uz) ва «ZiyoNET» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	**Мирзахидов Хайрулла Абдуллаевич** кимё фанлари номзоди, доцент
Расмий оппонентлар:	**Сидиқов Абдужалол Сидикович** кимё фанлари доктори, профессор
	Арсланов Шарафутдин Султанович кимё фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	Тошкент фармацевтика институти

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.K.01.03 рақамли Илмий кенгаш асосидаги бир марталик Илмий кенгашнинг 2019 йил «___» _____ соат «____» даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (+99871) 246-07-88; факс: (+99824) 246-53-21; 246-02-24, e-mail: chem0102@mail.ru).

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (+99871) 246-07-88, 277-12-24; факс: (+99871) 246-53-21; 246-02-24; e-mail: nauka@nuu.uz).

Диссертация автореферати 2019 йил «____»____ куни тарқатилди.

(2019 йил «____»____ даги___ рақамли реестр баённомаси).

Х.Т. Шарипов
Илмий даражалар берувчи бир марталик
Илмий кенгаш раиси, к.ф.д., профессор

Д.А. Гафурова
Илмий даражалар берувчи бир марталик
Илмий кенгаш илмий котиби, к.ф.д.

Х.И. Акбаров
Илмий даражалар берувчи бир марталик
илмий кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси к.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда халқ хўжалигининг турли соҳаларида қўлланилиб келинаётган кўпгина табиий ва синтетик препаратларнинг асосини полимерлар ташкил қилади. Шунинг учун бугунги кунда янги гидрофил хусусиятли функционал полимерларни синтез қилиш ва уларнинг физик-кимёвий хоссаларини текшириш бўйича кенг кўламли изланишлар олиб борилмоқда. Бу борада полимерлар асосида ветеринарияда ишлатиладиган дори воситалари олишнинг янги технологияларини ишлаб чиқиш муҳим ахамиятга эга.

Бугунги кунда жаҳон миқёсида турли тармоқларда полимерларни ишлатилиш ҳажмининг кенгайиши ва ошиши сабабли сунъий полимерлар ишлаб чиқаришга талаб ортмоқда. Шу сабабли тиббий-биологик хоссаларга эга полимер комплексларни янги дори шаклларини ва макромолекуляр терапевтик тизимларни яратиш, уларни заҳарлилик даражасини камайтириш, турли ферментлар таъсирига барқарорликни ошириш ва ишлатилиш соҳаларининг кенгайтириш муҳим аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда чорвачиликка ва ушбу тармоққа катта зарар етказаётган касалликларни даволаш ва профилактика қилиш воситаларини амалиётга жорий этиш муаммосини ечишга алоҳида эътибор қаратилган. Мазкур йўналиш бўйича юқори самарали дори препаратларини олиш ва уларни ветеринарияда қўллашнинг илмий асосларини ишлаб чиқиш борасида маълум натижаларга эришилган. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида[1] «маҳаллий хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида юқори қўшимча қийматли тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш, принципиал жиҳатдан янги маҳсулот ва технология турларини ўзлаштириш, шу асосда ички ва ташқи бозорларда миллий товарларнинг рақобатбардошлигини таъминлаш» бўйича муҳим вазифалари белгилаб берилган. Бу борада, жумладан, эхинококкозга қарши ўзига хос таъсирга эга ва заҳарлилиги паст импорт ўрнини босувчи гельминтга қарши арзон препаратлар яратиш ва амалиётга тадбиқ этиш катта аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 23 августдаги ПҚ-3236-сон «2017-2021 йилларда кимё саноатини ривожлантириш дастури тўғрисида», 2018 йил 17 январдаги ПҚ-3479-сон «Мамлакат иқтисодиёти тармоқларининг талаб юқори бўлган маҳсулот ва хом ашё турлари билан барқарор таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

---

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» фармони.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII. «Кимёвий технологиялар ва нанотехнологиялар» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Бугунги кунда полимерларнинг турли органик моддалар билан ўзаро таъсирлашув термодинамикаси ва кинетикасини тадқиқ этиш ва ушбу полимер тизимларини қўллашга оид илмий-тадқиқот ишлари жадал ривожлантирилмоқда. Бу борада Н.А. Платэ, В.А. Кабанов, Г.В. Самсонов, А.Б. Зезин, Е.Ф. Панарин, Х.У. Усманов, Й. Чен, М. Фукуде, А. Ёшиде, Б.А. Жубанов, Е.А. Бектуров, Е. Орбан, Дж. Маттеус, С. Грунер, Т. Ешиоке, М.Огате, Т. Сузукеларнинг хизмати катта. Бошқа илмий мактаблар олимларининг ҳам улушлари салмоқлидир. Ушбу йўналишда мамлакатимизнинг йирик олимлари – Х.У. Усманов, К.С. Ахмедов, М.А. Асқаров, С.Ш. Рашидова, У.Н. Мусаев ва уларнинг шогирдлари томонидан олинган илмий натижалар республикамиз тармоқ ва соҳаларида кенг қўлланилмоқда.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Миллий университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг НТП-10 «Маҳаллий табиий ва синтети хомашё асосида янги доривор воситаларни яратиш ва ишлаб чиқаришнинг юқори самарали технологиясини ишлаб чиқиш», КА-11-004 «Альбендазолнинг карбоксилтутган табиий ва синтетик полимерлар билан ўзаро таъсирлашувининг айрим хусусиятларини тадқиқ этиш» мавзуларидаги амалий лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади медамин ва альбендазолнинг карбоксилтутган полимерлар билан полимер комплексларини олиш ҳамда уларнинг физик-кимёвий хусусиятларини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

полиметакрил, полиакрилоилгликол, полиметакрилоилгликол, пекта кислоталари, шунингдек пектиннинг медамин гидрохлорид, альбендазол гидрохлорид билан полимер комплексларини олишнинг физик-кимёвий хусусиятларини аниқлаш;

полимер ташувчилари ва органик аминлар орасидаги электростатик ва умумий боғланиш қонуниятларини тадқиқ этиш;

тадқиқ этилаётган полимер кислоталарнинг доривор бирикмалар билан ўзаро таъсирлашувидаги конформацион ўзгаришларни аниқлаш;

дифференциал микрокалориметрия усули ёрдамида полимер кислоталари ва медамин орасидаги ўзаро таъсирлашув жараёнида термодинамик функцияларнинг ўзгаришини аниқлаш;

полиметакрил, полиакрилоилгликол кислотлари асосидаги гидрогелларнинг медамин ва альбендазол гидрохлоридларини сорбциялаш

жараёнининг термодинамик кўрсаткичларини аниқлаш;

медаминни унинг полимер комплекслари таркибидан ажралиб чиқиш кинетикасини компонентларнинг нисбатлари, pH ва ликвацияловчи муҳитлар ион кучининг турли қийматларида аниқлаш;

медамин ва альбендазол полимер комплексларининг эхинококка қарши фаоллигини тадқиқ этиш.

Тадқиқотнинг объекти альбендазол гидрохлорид, медамин гидрохлорид, полиакрилоилгликол, полиметакрилоилгликол, полиметакрил кислоталари, пектин, пекта кислотаси, «Медапек» («Карпек») ветеринария воситаси, медамин гидрохлорид ва альбендазолнинг тадқиқ этилаётган полимерлар билан поликомплекслари ҳособланади.

Тадқиқотнинг предмети: иммобилизация, кимёвий модификация, боғланиш жараёнлари ва сорбциянинг термодинамикаси ва кинетикаси, олинган полимер тизимларни идентификациялаш ва физик-кимёвий хоссалари, десорбция, фармакологик хоссалар.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотларда потенциометрик титрлаш, вискозиметрия, ИҚ- ва УБ-спектроскопия, дифференциал калориметрия ва бошқа физик-кимёвий усуллардан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор медамин гидрохлориднинг пектин, пекта кислотаси, полиакрилоилгликол, полиметакрилоилгликол ҳамда альбендазолни пектин, полиметакрил ва пекта кислоталари билан полимерлар комплекслари олинган;

полимерларни медамин ва альбендазол билан боғланишини электростатик ҳамда бошқа нисбатан кучсиз турли таъсирлашувлар орқали амалга ошиши аниқланган;

пектин ва акрилоилгликол кислотаси гидрогелларига медамин ҳамда альбендазол гидрохлоридининг ютилиши асосида олинган полимер дори шаклларининг пролонгация хоссасига эга бўлиши исботланган;

илк бор медамин гидрохлориднинг пектин ва пекта кислотаси билан полимер комплекслари шаклида эхинококкозга қарши фаолликка эга бўлиши аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

маҳаллий хомашёлар асосида гельминтга қарши воситалар-медамин ва альбендазолнинг янги полимер дори шаклларини олишнинг илмий асослари ишлаб чиқилган;

медамин гидрохлоридни полимер шаклининг таъсирини узайтириш имконияти ва манзилли етказиш мумкинлиги аниқланган;

медамин ва альбендазолнинг янги полимер дори шакллари ветеринария амалиётида альвеоляр ларвал эхинококкозга қарши даволаш ва профилактик воситалар сифатида қўллаш мумкинлиги аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Асосий илмий ҳолатлар, хулосалар потенциометрия, вискозиметрия, микрокалориметрия, ИҚ- ва УБ-спектроскопия каби замонавий физик-кимёвий тадқиқот усулларидан

фойдаланиб олингани билан асосланади. Диссертация ишининг хулосалари математик статистика усуллари ёрдамида қайта ишланган тажриба натижаларига асосланиб қилинган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти медамин ва альбендазолнинг полимер комплексларини ҳосил бўлишида компонентларнинг нисбатлари дори моддалар билан полимерлар орасидаги кимёвий боғларнинг табиати, уларда бўлиши структуравий ўзгаришларга ташқи муҳитнинг таъсири, жараёнларнинг термодинамик параметрларини аниқланиши ва улар асосида самарали препаратлар яратилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти медаминнинг эхинококкозга қарши юқори фаолликка эга янги полимер дори шаклларини ишлаб чиқаришнинг технологик йўриқномалари ва техник шартларини ишлаб чиқилганлиги билан белгиланади. Бундай полимер дори шакли йирик шохли қорамолнинг энг хавфли касалликларидан бири бўлган альвеоляр ларвал эхинококкозга қарши кураш имконини беради.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Медамин ва альбендазолни янги полимер дори шаклларини синтезлаш ва уларнинг хоссаларини аниқлаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

қишлоқ хўжалик молларининг гельминтоз касаллигини даволашда қўлланиладиган 2,5% «Медапек» («Карпек») учун ишлаб чиқилган техник шартлар «Ўзстандарт» агентлиги томонидан рўйхатга олинган (Ts 035354400-027:2016). Натижада медаминнинг эхинококкоз ва гельминтозга қарши заҳарлилиги кам бўлган янги полимер доривор шаклини яратиш имконини берган;

антигельминт хоссали «Медапек» («Карпек») препаратини ишлаб чиқариш бўйича технологик йўриқнома Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги томонидан тасдиқланган (ТИ 03535440-027:2017). Натижада ветеринария амалиётида ишлатилаётган импорт ўрнини босувчи янги препаратлар олиш имконини берган;

медамин асосидаги янги полимер комплексларидан ФА-А11-Т193 рақамли «Эхинококкоз ва бошқа хавфли гельминтоз касалликларга қарши «Медапек» («Карпек») юқори самарали дори воситаларни ишлаб чиқариш технологиясини яратиш» фундаментал лойиҳасида эхинококкоз ва бошқа хавфли гельминтоз касалликларга қарши препарат олишда фойданилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 2018 йил 4 декабрдаги 4/1255-3169-сон маълумотномаси). Натижада янги ветеренария препарати олишнинг технологик регламентини ишлаб чиқиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 20, жумладан 5 та халқаро ва 15 та республика илмий-амалий анжуманларида маъруза қилинган ва муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 29 та илмий иш чоп этилган. Шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик

диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, жумладан 1 таси хорижий ва 3 таси республика журналларида нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертациянинг таркиби кириш, олтита боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, унинг объекти, предмети ва усуллари аниқланган, Ўзбекистон Республикасида фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатиб берилган, диссертация мавзуси бўйича халқаро илмий тадқиқотлар шарҳи, муаммонинг ўрганилганлик даражаси келтирилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, уларнинг ишончлилиги асосланган, натижаларни амалиётга жорий этиш бўйича қисқача маълумот берилган, ишнинг апробация натижалари, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши тўғрисидаги маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Қуйи молекуляр моддаларнинг полимер композициялари: ҳосил бўлишининг физик-кимёвий хусусиятлари, хоссалари, қўлланилиши»** деб номланган **биринчи бобида** қуйи молекуляр доривор моддаларнинг полимерлар билан боғланиши хусусиятлари ҳамда полимерларни биологик фаол бирикмалар билан модификациялашда қўлланиладиган усуллар тўрисидаги адабиётлар маълумотлари таҳлили келтирилган. Тиббиёт ва фармакопеяга мўлжалланган полимерларга қўйиладиган талаблар баҳоланган, ушбу мақсадларда синтетик ва табиий полимерларни қўллашнинг принципиал имкониятлари кўрсатиб берилган. Полимер ташувчилар ва доривор моддалар орасидага таъсирлашув негизида ётадиган ҳодисалар ўрганилган, бундай таъсирлашувларнинг мураккаб табиатга эга эканлиги кўрсатиб берилган. Ветеринарияда қўлланиладиган препаратларнинг доривор хусусиятлари, эрувчанлиги, йўналтирилган таъсири, таъсир муддатини узайтириш ва бошқа кўпгина хоссаларини яхшилаш мақсадида ишлатиладиган қатор кимёвий ва физикавий модификациялаш усуллари келтирилган. Адабиётларнинг танқидий таҳлили гельминтга қарши ветеринария препаратларини модификациялашдаги муаммоларни ечишнинг энг фойдали усули табиий ва синтетик полимер кислоталар воситасида «юмшоқ» кимёвий модификациялаш ҳисобланишини кўрсатди.

Диссертациянинг **«Медамин ва альбендазол асосида олинган полимер комплексларининг физик-кимёвий тадқиқотлари»** деб номланган **иккинчи бобида** потенциометрик, вискозиметрик, ИҚ- ва УБ-спектроскопик тадқиқотлар натижалари кўриб чиқилган. Бобнинг бошида тадқиқот объектларини танлаш асосланган. Модификациялаш учун

ветеринария амалиётидан кенг маълум альбендазол ва медамин препаратлари, фармацияда доривор воситаларни модификациялашда кенг қўлланиладиган полиметакрил кислотаси каби полимер ташувчилар, ўзини яхши намоён қила олган детоксикациялаш хусусиятига эга бўлган дори ташувчилари – табиий полисахаридлар: пектин ва пекта кислотаси, шунингдек дориларни хасталанган органларга манзилли етказишда «ақлли» функцияни бажара оладиган янги pH – сезгир полимерлар: полиакрилоилгликол ва полиметакрилоилгликол кислоталари танлаб олинди. Потенциометрик титрлаш натижаларига асосланиб медамин ва полимерлар орасидаги таъсирлашув муҳит pHнинг оз миқдорда пасайиши билан бориши, бу эса П- СООН + МедаминН$^+$ = П- СОО$^-$МедаминН$^+$ + Н$^+$ схемаси бўйича протонларнинг ажралиши билан изоҳланиши кўрсатиб берилди, дори ва полимер ўртасида ҳосил бўлган туз кўприклари сони эса реакцияда ажралиб чиққан протонлар сонига қараб ҳисобланди. Медамин ва полимерлар орасидаги электростатик боғланиш кўрсаткичлари ҳисобланди. Электростатик боғланиш кўрсаткичи (θ) тўғридан тўғри поликислотанинг табиатига боғлиқ бўлиши кўрсатиб берилди. Бунда букилувчанлик, банд қилинмаган фаол марказлар сони, pHга сезгирлик ва бошқа кўрсаткичлар ҳал қилувчи рол ўйнайди. Шунингдек медаминнинг поликислоталар билан таъсирлашуви pHнинг кичик оралиғида кечиши, бу эса комплекс ҳосил бўлиш жараёни кооператив характерга эганлигидан далолат бериши аниқланди. Альбендазол ҳолатида ўзгачароқ ҳисоблаш усули қўлланилди. Боғланиш сув-спиртли муҳитда олиб борилганини эътиборга олиб, ажралиб чиққан протонларнинг бир қисми эритувчи – этанол томонидан ютилиши тахмин қилинди. Шу сабабли θ кўрсаткичини ҳисоблашда эритувчининг таъсирини айириб ташлаш таклиф этилди. Олинган натижалар ҳаттоки кичик нисбатларда ҳам боғланмаган медамин ва альбендазолнинг улуши борлигини кўрсатди, яъни системада динамик мувозанат кузатилади, полимер занажирларидаги гуруҳларнинг ҳаммаси ҳам таъсирлашувда иштирок этмайди. Жуда кўп адабиёт манбалари ионоген полимерлар ва протонлашган дори молекулалари орасидаги таъсирлашувнинг гидрофоб таъсирлар ва водород боғлари тизимини пайдо бўлиши оқибатида мураккаблашувини тасдиқлайди. Ушбу таъсирларнинг мавжудлигини кўрсатиш учун вискозиметрик тадқиқотлар олиб борилди.

Боғланишнинг иккала тури ҳам полимер комплекси макромолекуласи конфонмациясига турлича таъсир кўрсатади: ион боғланиш макромолекулаларнинг ихчамлашишига, гидрофоб боғлар эса, аксинча, полимер молекуласининг ўзаги билан боғланган бир хил зарядланган дори молекулаларининг ўзаро итарилишига олиб келади.

Тадқиқотда полимерларнинг дорилар билан турлича таъсирлашуви кўрсатиб берилди. Масалан (1-расм) пекта кислотаси ҳолатида [ДМ]/[Полимер] нисбати 0,5 дан ошганда системада водород боғлар тизимининг ҳосил бўлиши билан борадиган гелланиш кузатилиб, бу ҳолат пектин билан реакцияда юзага келмайди.

ПАГК ва ПМАГК pH-сезгир полимерлар бўлгани учун кутилган натижани намоён қилди. ПАГК нинг медамин билан таъсирлашув ҳолатида чўкма ҳосил бўлиб, нисбатни янада оширганда эримайди. Бунда конформацион ўтиш кузатилади. ПМАГК билан таъсирлашганда гидрофоб метил гуруҳининг мавжудлиги туфайли нисбат ошганда полимер комплекси молекуласи ёйилади. Буни вискозиметрия натижалари ҳам тасдиқлайди.

Вискозиметрик усул ёрдамида полимер комплекс конформациясига ҳарорат ва эритманинг ион кучи каби турли омилларнинг таъсири тадқиқ этилди. Тадқиқ этилаётган барча жуфтликларда турли ҳароратларда конформацион ўтишлар мавжудлиги кўрсатилди. Масалан, альбендазолнинг ПМАК билан полимер комплексининг келтирилган қовушқоқлиги экстремал характерга эга бўлиб, гидрофоб таъсирлар туфайли конформацион ўтишнинг борлиги билан изоҳланади.

Органик дори моддаси структурасининг боғланиш жараёнида ўзгариши ҳақидаги баъзи маълумотларни поликомплексларнинг тузилишини ИҚ- ва УБ-спектроскопия усуллари ёрдамида олиш мумкин.



1-расм. Медаминнинг пекта кислотаси (а), пектин (б), ПАГК (в) ва ПМАГК (г) билан полимер комплекслари эритмалари келтирилган қовушқоқликларининг компонентлар нисбатларига боғлиқлиги (ҳарорат – 298 К)

Пектиннинг медамин билан полимер комплекси ИҚ-спектрини тоза медамин ва пектин билан солиштирганда (2-расм) 1600-1640 см$^{-1}$ соҳада 1610 ва 1631 см$^{-1}$ да иккита ютилиш полосалари кузатилиб, улар медаминнинг биринчи ва иккинчи амидларига мос келади ва амид гуруҳининг деформацион ва валент тебранишлари билан тушунтирилади.

Медаминнинг ИҚ-спектрида 1280-1230 см$^{-1}$ ва 1280-1350 см$^{-1}$ соҳаларда 1244 см$^{-1}$ ва 1349 см$^{-1}$ да ютилиш полосалари кузатилади. 759 см$^{-1}$ даги соҳа қўшалмашинган бензолдаги С-Н боғнинг деформацион тебранишларига мос келади. Шунингдек 2500-3500 см$^{-1}$ соҳадаги, яъни 2616, 2711, 2828 см$^{-1}$ да ютилиш полосалари гидрохлоридли аминларга боғланади. Бундан ташқари 1752 см$^{-1}$ да ютилиш полосаси кузатилиб, уни медамин молекуласининг метоксил гуруҳи билан боғланган амиднинг карбонили билан тушунтирилади. Пектиннинг ИҚ-спектрида 1639 см$^{-1}$ да карбоксил гуруҳига хос кам интенсивликка эга полоса, 1747 см$^{-1}$ да карбоксил гуруҳи карбонига тегишли бўлган ўртача интенсивликка эга полоса кузатилади. 2900-3600 см$^{-1}$ ораликда 3324 см$^{-1}$ соҳадаги кенг полоса карбоксил ионига (– COO^{-}), 3383 см$^{-1}$ соҳада боғланган гидроксилга, 3564 см$^{-1}$ да эркин гидроксилга тегишлидир.



2-расм. Медамин гидрохлорид (а), пектин (б) ва медаминнинг пектин билан φ=0,3 даги полимер комплекси ИҚ-спектрлари (φ=[ДМ]/[П]).

Пектиннинг ИҚ-спектрида фарқли равишда полимер комплекси спектрида 3000-3500 $см^{-1}$ оралиқда ютилиш полосалари интенсивлигининг камайиши ва полосанинг торайиши кузатилади, бу эса комплекс таркибига медамин молекуласининг кириш ҳисобига пектиннинг – ОН ва – СООН гуруҳлари ҳосил қилган водород боғларининг узилишидан далолат беради. Карбоксилат ионнинг ютилиш соҳаси кам частотали 2927 $см^{-1}$ соҳага силжийди, карбоксил гуруҳининг карбонилига тегишли 1639 ва 1747 $см^{-1}$ соҳалардаги полосалар медаминнинг амид гуруҳлари билан тўсилади ва 1638 ва 1611 $см^{-1}$ соҳаларда янги полосалар ҳосил қилади.

Полимер комплекси ИҚ-спектрида гидрохлоридли амин гуруҳига тегишли ютилиш полосалари кузатилмади. Юқоридагилардан шуни хулоса қилиш мумкинки, комплексдаги пектин ва медаминнинг алоҳида функционал гуруҳларига тегишли бўлган ўзига хос ютилиш частоталарининг силжиши медаминнинг протонлашган гуруҳи билан пектиннинг диссоциланган гуруҳлари орасида полимер комплекси молекуласининг ҳосил бўлиши билан борадиган боғланиш борлигини кўрсатади.

Янада кўпроқ маълумот олиш мақсадида барча тадқиқ этилаётган нисбатлар учун спектрлар олинди. Полимер комплексининг турли нисбатлар учун ИҚ-спектрлари миқдорий равишда полимер комплексининг массаси 250 мг KBr билан таблеткасида ўлчанди. Полимер комплексида медамин улушининг ортиб бориши билан гидрохлоридли амин гуруҳига 2600-2850 $см^{-1}$ оралиқдаги ютилиш полосаси интенсивлиги доимий равишда ортиб бориб, полимер гидроксил гуруҳининг ютилиш полосасини тўсади. Аммо таъкидлаш жоизки, полимер комплексида медамин миқдорининг ортиши билан 2940 $см^{-1}$ соҳада карбокислат ионнинг ютилиш полосаси (пектин спектрида) монотон равишда 2907 $см^{-1}$ гача паст частотали соҳага силжийди (комплекс спектрида φ=0,9). Поликомплексда ДМ улушининг ортиши билан 1639, 1610 $см^{-1}$ амид I ва II полосаларининг интенсивлиги камайиб, шунингдек 1012, 1102 $см^{-1}$ соҳаларда пектиннинг С-О-С эфир гуруҳлари ютилиш интенсивлиги пасаяди Бу эса гидрофоб таъсирлашувларнинг юзага келиши билан изоҳланади ва олдинроқ бажарилган тадқиқотларда кўрсатиб берилганди. Бошқа муҳим характеристик ютилиш полосалари амалий жиҳатдан ўзгаришсиз қолади, медамин билан пектиннинг доривор модданинг структурасини бузмаган ҳолда юмшоқ таъсирлашувидан далолат беради.

1-жадвал

Тадқиқ этилаётган полимерларнинг медамин билан боғланиш жараёни кинетик кўрсаткичлари

Комплекс	γ'	$К_{св}*10^4$, л/моль	σ
ПАГК + медамин	0,29	9,50	10-100
Пекта кислотаси + медамин	0,22	5,47	2 – 30
Пектин +медамин	0,26	7,69	1 – 6

Полимер комплекслари эритмалари ва медаминнинг УБ-спектрларидаги ўзгаришлар полимер кислотаси – медамин системаси ҳолатини Шварц томонидан таклиф этилган спектрал маълумотларни қайта ишлаш усули нуқтаи назаридан кўриб чиқишга имкон берди. Ушбу системаларнинг (ўрганилаётган полимерлар – медамин) ҳолати медаминнинг ютилиш максимуми (λ=281 нм) кўриб чиқилди. Шварц назариясига мувофиқ ПАГК, пектин ва пекта кислотасининг медамин билан боғланиш жараёнининг кинетик кўрсаткичлари ҳисобланди (1-жадвал).

Медаминнинг полимерлар билан боғланиши кучсиз намоён бўлган кооператив характерга эга бўлиб, ҳаттоки тўйинган комплексда ҳам боғланмаган дори молекулаларининг салмоқли улуши қолиши, бу эса жараённинг қайтар характерга эга эканлигидан далолат бериши кўрсатилди. Кузатилаётган кооператив эффектнинг сабаби, кўринишидан, медаминнинг сувда ёмон эришидир. Полимер худди эритувчининг иккинчи компоненти вазифасини бажариб, медаминнинг унга бўлган мойиллиги сувга нисбатан мойиллигидан кучлироқ бўлади. Протонлашган медаминнинг ўрганилаётган полимерлар билан таъсирлашуви мураккаб характерга эгалиги аниқланди. ПАГК мисолида жараён ажралиб чиқаётган протонларга нисбатан сезгирлик туфайли қийинлашади, чунки ПАГК pH-сезгир полимер ҳисобланади. Медаминнинг пекта кислотаси билан таъсирлашуви ҳолатида ҳам жараён водород боғларнинг ҳосил бўлиши ҳисобига мураккаблашади. Пектин мисолида эса етарлича кучли бўлган гидрофоб таъсирлашувлар ҳосил бўлади. Микрокалориметрик титрлаш, ИҚ-спектроскопия, вискозиметрия ва потенциометрия каби бошқа физик-кимёвий усуллар билан биргаликда Шварц томонидан таклиф этилган спектрал маълумотларни қайта ишлаш усули дори молекулаларининг занжирда ва полимер атрофида жойлашуви борасида қўшимча жуда қимматли маълумотлар беради.

Диссертациянинг **«Медамин ва альбендазолнинг полимер ташувчилари билан комплекс ҳосил қилиш жараёнини турли усуллар ёрдамида термодинамик тадқиқ этиш»** деб номланган **учинчи боби** боғланиш жараёнининг термодинамик кўрсаткичларини микрокалориметрик титрлаш ва сорбцион усуллар ёрдамида аниқлашга бағишланган. Усулнинг моҳияти битта компонент солинган калориметр кюветасига кам порцияли иккинчи компонент қўшилганда ажралиб чиқадиган иссиқлиқ (Q) миқдорини ўлчашдан иборатдир. Полиэлектролитларнинг қуйи молекуляр органик ионлар билан электростатик таъсирлашуви иссиқлик ажралиб чиқиши билан бориб, таъсирлашув иссиқлиги бирикаётган қарши ионнинг сонига пропорционалдир. Бошқа томондан эса, углеводород радикалларининг гидрофоб таъсирлашуви эндотермик бўлиб, ҳароратнинг кўтарилиши билан кучаяди. Натижавий иссиқлик эффектлари электростатик ва гидрофоб таъсирлашувларнинг иссиқлик эффектлари нисбати билан аниқланади. Электростатик ва гидрофоб таъсирлашувлар иссиқлик эффектлари ҳисобланди (3-расм).

Медаминнинг пектин ва пекта кислотаси билан таъсирлашув жараёни гидрофоб таъсирлашувлар воситасида мураккаблашган бўлиб, бу эса вискозиметрик тадқиқотлар билан исботланиши аниқланди. Умуман олганда пекта кислотаси мисолида комплекс ҳосил бўлиш жараёнига пекта кислотаси макрозанжири ва медамин молекуласидаги бензол ҳалқаси ўртасидаги гидрофоб таъсирлашувлар кўпроқ ҳисса қўшади.



3-расм. Пектин (а) ва пекта кислотасининг (б) медамин билан таъсирлашувлари иссиқлик эффектлари изотермалари

Кўриниб турибдики, полимер комплекснинг водород боғлар ёрдамида барқарорлашуви умумий иссиқлик эффектида гидрофоб ҳиссани кучайтиради, пектин билан таъсирлашувда эса, аксинча ион таъсирлашувлар кўпроқ ҳисса қўшади. Олинган натижалар асосида полимерларнинг медамин билан боғланишнинг термодинамик кўрсаткичлари ҳисобланди (2-жадвал).

2-жадвал

Микрокалориметрик титрлаш усули ёрдамида ҳисобланган боғланишнинг кинетик ва термодинамик кўрсаткичлари (T= 304 К, [$C_{полимер}$]= 1%, [$C_{ДМ}$]= 1%)

Комплекс	n	$K_{св}$, л/моль	ΔG^0, Дж/моль	ΔH^0, Дж/моль	ΔS^0, Дж/моль*К
Пект.кислотаси+ медамин	0,615	18737,3	-24860	12900	-124,21
Пектин+медамин	0,356	29611,4	-26021	-19948	-19,904

Пектиннинг протонлашган медамин билан боғланиш жараёни энтальпиянинг (ΔH^0) ва энтропиянинг (ΔS^0) манфий қийматлари билан боради. Компонентларнинг электростатик таъсирлашув ёрдамида

аниқланадиган боғланиш константаси сезиларли даражада катта. Шу билан биргаликда энтальпия – жараённинг гидрофоб ташкил этувчисига кучли таъсир этадиган кўрсаткич ҳам кучаяди, шунингдек система энтропиясининг камайиши кузатилади. Энтропиянинг бундай камайиши киритилаётган протонлашган медамин ионлари таъсирида макромолекула ўрамларида молекулаларо структураларнинг ҳосил бўлиши билан боғлиқдир. Пектиннинг медамин билан боғланиши электростатик таъсирлашув ҳиссасининг кўпроқ эканлиги билан изоҳланади, чунки энтальпия ва энтропиянинг катта ўзгаришида кинетик кўрсаткичларнинг юқорилиги билан характерланади.

Медаминнинг пекта кислотаси билан таъсирлашувида тамомила ўзгача ҳолат кузатилади. Энтропиянинг нисбатан юқори қийматларида кинетик кўрсаткичлари деярли икки марта кичик ва энтальпия омилининг мусбат улуши унча катта эмас. Медаминнинг пекта кислотаси билан комплекс ҳосил бўлиш жараёнида энтропиянинг ортиши, афтидан, пекта кислотаси макромолекуласининг амин билан гидрофоб боғланишида полимер ва дорининг гидрат қобиқчаларининг бузилиши, шунингдек қуйи молекуляр кислотанинг сиқиб чиқарилиш билан боғлиқдир. Аммо бунда ион таъсирлашувларнинг ижобий ҳиссасини полимер молекуласининг очилиши ва гидрофоб таъсирлашувлар каби эндотермик жараёнлар босиб кетади.

3-жадвал

АГК асосидаги гидрогелларда медамин гидрохлориднинг сорбцияси термодинамик кўрсаткичлари

T, K	n	$K_{св}$, л/моль	ΔG^0, Ж/моль	ΔH^0, Ж/моль	ΔS^0, Ж/моль*К
296	0,08	10405	-23676	-44988	-72,5
303	0,11	14416	-24109	-45925	-72,5
308	0,12	21013	-24486	-46662	-72,5

Диссертацияда сорбция изотермалари асосида Ленгмюр-Клотц усули ёрдамида медамин гидрохлорид ва альбендазол гидрохлориднинг полимерларда сорбцияланиши термодинамик кўрсаткичлари ҳисобланди (3- ва 4-жадваллар).

Медамин гидрохлориднинг полиакрилоилгликол кислотаси асосидаги гидрогелида сорбцияси ўз-ўзидан боради, бунга система энтропияси ва энтальпиясининг камайиши билан биргаликда эркин энергия ўзгаришининг манфий қиймати далолат беради. Энтальпиянинг камайиши протонлашган медамин молекулалари билан полимер занжиридаги диссоциланган гуруҳлар ўртасида юзага келадиган ионли таъсирлашувларга боғлиқ.

Энтропиянинг камайиши, фикримизча, медаминнинг гидрофоб ҳалқалари ва полимер занжирининг гидрофоб қисмлари ўртасида таъсирлашувлар билан изоҳланади. Энтропиянинг камайишига асосий занжир билан медаминнинг боғланган ва боғланмаган молекулаларининг

таъсирлашуви ҳам ҳисса қўшади. Аммо энтальпиянинг кучли камайиши умумий иссиқлик эффектига ион таъсирлашувлар кўпроқ ҳисса қўшишидан далолат беради, бу эса боғланиш кўрсаткичларининг кинетик қийматлари ва уларнинг ҳароратнинг кўтарилиши билан ортиши исботланади.

4-жадвал

Альбендазол гидрохлориднинг пектин асосидаги гидрогелларда сорбциясининг термодинамик ва кинетик кўрсаткичлари

Комплекс таркиби	T, K	n	$K_{св}$, л/моль	ΔG^0, Ж/моль	ΔH^0, Ж/моль	ΔS^0, Ж/моль* K
Пектин+ альбендазол	298	0,396	44033,47	-26492,677	-42314,41	-53,093
	303	0,367	36671,68	-26471,144	-42558,33	
	313	0,395	19746,96	-25739,171	-42357,35	
Пект. к-таси +альбендазол	298	0,392	78322,02	-27919,918	-32888,47	-16,673
	303	0,383	48076,92	-27158,193	-32210,11	
	313	0,396	39603,96	-27550,573	-32769,22	
ПМАК+ альбендазол	293	0,774	2579,31	-19134,79	-48762,95	-101,123
	303	0,709	4705,43	-21301,86	-51941,22	
	313	0,136	678,88	-16969,48	-48620,04	

Гидрогелда альбендазол гидрохлориднинг сорбцияланиш жараёни ўз-ўзидан боради. Буни эркин энергиянинг ва система энтропиясининг манфий қиймати кўрсатиб турибди, бу системанинг ичида тартибланишнинг вужудга келиши билан боғлиқ. Энтальпиянинг камайиши, афтидан, протонлашган альбендазол молекулалари ва полимер занжиридаги диссоциланган гуруҳларнинг ўзаро ион таъсирлашувлар ҳиссасининг кўплиги билан тушунтирилади. Альбендазол гидрохлориднинг полиметакрил кислотаси билан таъсирлашуви мисолида система энтропиясининг кучли камайиши, кўринишидан, таъсирлашув жараёнида системанинг тартибланиши билан тушунтириш мумкин. Бу альбендазолнинг гидрофоб ҳалқалари ва полимер молекуласи қисмининг гидрофоб таъсирлашувлар ҳиссасининг кўплиги ҳисобига системанинг тартибланишини кўрсатади. Қолган ҳолларда энтальпиянинг кучли ортиши умумий иссиқлик эффектида ион таъсирлашувлар ҳиссасининг кўплигидан далолат беради. Энтропиянинг камайишига альбендазолнинг асосий занжир билан боғланиб бўлган ва эркин молекулалари орасидаги таъсирлашув ҳам таъсир этади.

Диссертациянинг **«Медаминни унинг полимер комплексларидан турли модел шароитларда десорбцияланиши»** деб номланган **тўртинчи боби** десорбцияланиш жараёнига полимер комплексларидаги компонентларнинг нисбатлари, pH ва ион кучининг турли қийматлари, шунингдек ликвацияловчи муҳитнинг турли ҳароратларининг таъсирини тадқиқ этишга бағишланган. Санаб ўтилган омиллар медаминнинг ярим

ўтказгич мембрана орқали ташқи қобиққа диффузияланиш вақтига таъсир ўтказиши аниқланди. Ажралиб чиққан доривор модданинг миқдори комплексларда полимернинг нисбий улушининг ортиши билан камаяди. Бу барча ўрганилган полимер – доривор модда вариантларида ўринлидир. Ҳароратнинг ортиши билан медамин молекуласининг ҳаракатчанлиги ортади ва шу сабабли улар полимер занжиридан осонлик билан ажралади. Медаминнинг ташқи қобиққа диффузияси ошқозонни моделлаштирадиган муҳитда (pH 1,1) анча тезроқ боради ва пекта кислотали поликомплекслар учун 5 соатда 35 %ни ва пектинли поликомплекслар учун 5 соатда 45 %ни ташкил этади. Ичак муҳитини моделлаштирадиган шароитда (pH 7,8) десорбцияланиш жараёни сезиларли равишда секин боради ва пекта кислотаси ва пектин поликомплекслари учун мос равишда 5 соатда 23,4 % ва 35 %ни ташкил этади. Бундай ҳолат ликвацияловчи муҳит pHнининг пасайиши полимер макромолекуласидаги карбоксил гуруҳларнинг диссоциланишининг қийинлашиши, бир хил зарядли пекта кислотаси ва пектин полианионлари умумий зарядининг камайиши ва занжирнинг нисбатан ихчамлашиши билан тушунтирилади. Макромолекулаларнинг ўзини бундай тутиши натижасида ички қобиқда бир хил зарядланган протонлашган медамин молекулалари сони кўпаяди ва улар осонлик билан мембрана орқали диффузияланади.

Ичак муҳитини моделлаштирувчи шароитларда (pH 7,8) пекта кислотаси ва пектиннинг медамин билан полимер комплекслари бузилади. Медаминнинг протонлашган молекулалари ишқорий муҳитда чўкмага тушади ва диализатор деворлари ва мембранада чўкиб қолади, шу сабабли унинг диффузияси бундай шароитларда қийинлашади. Аммо тирик организм шароитида (pH 7,8) ичакка тушган медамин шиллиқ парда сиртида чўкади ва секин-аста сўрилади ҳамда шу тахлитда қонда медаминнинг концентрациясини маҳаллий ортишига сабаб бўлади. Тахмин қилиш мумкинки, медаминнинг пектин ва пекта кислотаси билан полимер комплекслари йўналтирилган таъсирга эга бўлиши мумкин.

Диссертациянинг **«Медаминнинг қўллаш учун энг юқори истиқболли полимер комплексларининг фармакологик хоссалари»** деб номланган **бешинчи боби** медаминнинг поликислоталар билан олинган комплексларининг фармакологик тадқиқотларига бағишланган. Тажрибалар уларнинг специфик фаоллигини дастлабки модда билан солиштирган ҳолда олиб борилди. Полимер ташувчисининг медаминнинг полимер формаларининг эхинококка қарши фаоллигига таъсирини баҳолаш турли ихтисослаштирилган ташқилотларда олиб борилди.

Медаминнинг полиметакрил кислотаси билан комплекси олинди ва синовдан ўтказилди. ПМАК + медамин полимер комплекси Trichocephalus muris гельминтлари билан касаллантирилган оқ каламушларда синаб кўрилди. Ушбу фармакологик синовлар Россия Федерацияси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Е.А.Марциновский номидаги Тиббий паразатология институтида олиб борилди. Ҳайвонларни кесиб кўриш ва кўричакда

аниқланган паразитларнинг сони мазкур полимер комплексининг юқори самарали эканлигини кўрсатди. Полимер комплексининг 2,5 %ли эритмаси қўлланилганда ҳам экстенсив, ҳам интенсив самарадорлик полимер комплексининг концентрациясига боғлиқ бўлади. Тадқиқотлар шунингдек б.ф.д. Пак Ден Сун раҳбарлигидаги Ўзбекистон Республикаси «Республика ҳайвонларнинг ўта хавфли касалликлари ихтисослаштирилган лабораторияси»да ҳам олиб борилди. Бу тадқиқотлар яхши натижалар кўрсатди ва медаминнинг пектин билан полимер комплекси ишлаб чиқаришга ва ҳайвонларда альвеоляр ларвал эхинококкозга қарши восита сифатида жорий этишга тавсия этилди.

Шунингдек, «Медапек» («Карпек») препаратининг заҳарлилиги уни кам заҳарли, осон қабул қилинадиган, альвеоляр ларвал эхинококкознинг турли босқичларида самарали препарат сифатида характерлашга имкон бериши кўрсатилди.

Диссертациянинг **«Амалий қисм»** деб номланган **олтинчи бобида** дастлабки ва ёрдамчи реактивларнинг физик-кимёвий тавсифлари, мономерлар ва полимер ташувчиларни синтез қилиш, шунингдек полимер комплексларни олиш услублари баён қилинган. Физик-кимёвий тадқиқот усуллари ва улар амалга оширилган қурилмалар, шунингдек ҳисоблаш ва олинган натижаларни қайта ишлаш усуллари ёритилган.

ХУЛОСА

1. Илк бор медамин ва альбендазолнинг пекта кислотаси, пектин, полиакрилоилгликол ва полиметакрилоилгликол кислоталари билан модификациялаб гельминтга қарши препаратларнинг янги полимер шакллари олинди ва уларнинг кимёвий структурасини сақлаб қолиши ҳамда эхиноккозга қарши яққол фаолликка эга бўлиши кўрсатиб берилади.

2. Потенциометрик титрлаш усули ёрдамида медамин ва альбендазолнинг поликислоталар билан электростатик боғланиш даражаси ҳисобланди, бунда исталган нисбатларда доривор моддалар – медамин ва альбендазолнинг полимер комплексига боғланмаган улуши ҳамда боғланган доривор препаратлар ўртасида динамик мувозанат бўлиши кўрсатилади.

3. Вискозиметрия усули билан медамин ва альбендазолнинг полимерлар билан комплекс ҳосил қилиш жараёни макромолекулаларда конформацион ўзгаришлар билан бир вақтда кузатилиши, айрим ҳолларда эса комплекс ҳосил бўлиш реакцияси янги фаза-чўкманинг ҳосил бўлиши билан кечиши кўрсатиб берилади.

4. ИҚ- ва УБ-спектроскопия усуллари ёрдамида медамин, альбендазол ва ўрганилаётган поликислоталар орасида электростатик таъсирлашувлар ва водород боғлари воситасида полимер комплексларининг ҳосил бўлиши билан изоҳланади.

5. Дифференциал микрокалориметрия усули ёрдамида медаминнинг пекта кислотаси ва пектин билан комплекс ҳосил бўлиш жараёнининг термодинамик кўрсаткичлари (ΔG^0, ΔH^0, ΔS^0) ҳамда умумий боғланишнинг экзотермик характерга эга эканлиги, сийрак чокланган гелларда медамин ва альбендазолнинг полимерлар билан таъсирлашуви термодинамик кўрсаткичлари аниқланиб бунда комплекс ҳосил бўлиш жараёни ўз-ўзидан бориши ва системанинг умумий тартибланишининг кузатилиши кўрсатиб берилди. Медамин учун пектин ва пекта кислоталари, альбендазол учун пекта кислотаси ва ПМАК модификацияловчи полимер сифатида тавсия этилади.

6. Медаминнинг турли полимерлар билан полимер комплексларидан ажралиб чиқиш кинетикаси организмнинг турли моделлаштирилган биологик муҳитларда ўзгаришга учрамасдан, ичак муҳитида унинг бузилиши ва медаминнинг чўкмага тушиши, ичак девори орқали қонга сўрилиб, ундаги доривор модданинг концентрациясини ошиши изоҳланади.

7. Медаминнинг пектин билан полимер комплекслари эхинококкозга қарши яққол таъсирга эга бўлиб, кам заҳарли ҳамда енгил қабул қилинадиган препаратлиги аниқланиб бунда унинг 2,5%ли сувли эритмаси альвеоляр ларвал эхинококкозни даволаш ва профилактика қилиш учун ветеринария амалиётига тавсия қилинди.

РАЗОВЫЙ НАУЧНЫЙ СОВЕТ НА ОСНОВЕ НАУЧНОГО СОВЕТА DSc.27.06.2017.K.01.03 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ НАЦИОНАЛЬНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ УЗБЕКИСТАНА

НАЦИОНАЛЬНЫЙ УНИВЕРСИТЕТ УЗБЕКИСТАНА

МАЛЫШЕВ МАКСИМ СВЯТОСЛАВОВИЧ

ИЗУЧЕНИЕ ФИЗИКО-ХИМИЧЕСКИХ ОСОБЕННОСТЕЙ ВЗАИМОДЕЙСТВИЯ МЕДАМИНА И АЛЬБЕНДАЗОЛА С КАРБОКСИЛСОДЕРЖАЩИМИ ПОЛИМЕРАМИ

02.00.04– Физическая химия
02.00.06 –Высокомолекулярные соединения

АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО ХИМИЧЕСКИМ НАУКАМ

Ташкент – 2019

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирован в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за B2018.1.PhD/K89.

Диссертация выполнена в Национальном университете Узбекистана.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.ik-kimyo.nuuz.uz) и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель:	**Мирзахидов Хайрулла Абдуллаевич** кандидат химических наук, доцент
Официальные оппоненты:	**Сидиқов Абдужалол Сидикович** доктор химических наук, профессор
	Арсланов Шарафутдин Султанович доктор химических наук, профессор
Ведущая организация:	**Ташкентский фармацевтический институт**

Защита диссертации состоится « ____ » _____ 2019 г. в ____ часов на заседании разового Научного совета на основе Научного совета DSc.27.06.2017.K.01.03 при Национальном университете Узбекистана. (Адрес: 100174, г. Ташкент, ул. Университетская, 4. Тел.: (+99871) 227-12-24, факс: (+99824) 246-53-21; 246-02-24, e-mail: chem0102@mail.ru).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Национального университета Узбекистана (зарегистрирован за №_____). Адрес: 100174, г.Ташкент, ул. Университетская, 4. Тел.: (+99871) 246-07-88, 277-12-24; факс: (+99871) 246-53-21; 246-02-24, e-mail: nauka@nuu.uz.

Автореферат диссертации разослан «____» _____ 2019 года.
(протокол рассылки № ____ от «____» _____ 2019 года).

Х.Т. Шарипов
Председатель разового научного совета
по присуждению ученых степеней,
д.х.н., профессор

Д.А. Гафурова
Ученый секретарь разового научного
совета по присуждению
ученых степеней, д.х.н.

Х.И. Акбаров
Председатель разового научного семинара
при научном совете по присуждению
ученых степеней, д.х.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии PhD)

Актуальность и востребованность темы диссертации. Во всем мире полимеры составляют основу многих природных и синтетических препаратов, которые используются в различных областях народного хозяйства. Поэтому в настоящее время ведутся широкомасштабные исследования по синтезу новых гидрофильных функциональных полимеров и исследования их физико-химических свойств. В связи с этим имеет важное значение разработать новые технологии производства ветеринарных препаратов на основе полимеров.

На сегодняшний день по всему миру из-за расширения и увеличения использования полимеров в различных отраслях промышленности увеличивается спрос на искусственные полимеры. Поэтому создание новых полимерных комплексов биологически активных веществ позволяют создавать новые лекарственные формы и макромолекулярные терапевтические системы, уменьшать токсичность, увеличивает устойчивость к действию различных ферментов, а также расширение областей их применения имеет важное значение.

В нашей стране в последнее время уделяется особое внимание развитию животноводства и, вместе с тем, разработке современных средств лечения и профилактики болезней, приносящих большой ущерб в данной отрасли.

На основании проведенных в данном направлении были достигнуты определенные результаты в разработке научных основ производства высокоэффективных лекарственных препаратов и их применении в ветеринарии. В стратегии действия по дальнейшему развитию Республики Узбекистан[1] намечены задачи по «производству готовой продукции с высокой добавленной стоимостью на базе глубокой переработки местных сырьевых ресурсов, освоение выпуска принципиально новых видов продукции и технологий, обеспечение на этой основе конкурентоспособности отечественных товаров на внешних и внутренних рынках». В связи с этим большое значение имеет разработка дешевых импортзамещающих антигельминтных препаратов с уникальным специфическим противоэхинококковым действием и низкой токсичностью.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Указе Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года № УП-4947 «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» в Постановлениях Президента Республики Узбекистан от 23 августа 2017 г. № ПП-3236 «О программе развития химической промышленности на 2017-2021 годы» и от 25 октября 2018 года № ПП-3983 «О мерах по ускоренному развитию химической промышленности Республики Узбекистан», а также других нормативно-правовых документов, принятых в данной сфере.

[1] Указ Президента Республики Узбекистан УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан».

Соответствие исследования с приоритетными направлениями развития науки и технологии республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологии Республики VII. «Химическая технология и нанотехнология».

Степень изученности проблемы. В настоящее время усиленно развиваются научно-исследовательские работы по исследованию термодинамики и кинетики взаимодействия полимеров с различными органическими соединениями и применению данных полимерных систем в медицине и биологии. Большая заслуга принадлежит Н.А. Платэ, В.А.Кабанову, Г.В. Самсонову, А.Б. Зезину, Е.Ф. Панарину, Х.У. Усманову, Й.Чену, М. Фукуде, А. Ёшиде, Б.А. Жубанову, Е.А. Бектурову, Е. Орбану, Дж. Маттеусу, С. Грунеру, Т. Ешиоке, М. Огате, Т. Сузуке. Немаловажный вклад внесен также многими другими научными школами.

В Республике в данной области научные результаты были получены крупными учеными нашей страны - академиками Х.У. Усмановым, К.С. Ахмедовым, М.А. Аскаровым, С.Ш. Рашидовой, У.Н. Мусаевым и их учениками. Эти работы находят широкое применение в различных областях народного хозяйства нашей Республики.

Связь диссертационного исследования с планами научно-исследовательских работ высшего учебного заведения. Диссертационное исследование выполнено в рамках плана научно-исследовательских работ прикладных проектов Национального университета Узбекистана по теме 2.8.9. «Полимеры с особым комплексом свойств»; НТП-10 РУз «Создание новых лекарственных средств на основе местного природного и синтетического сырья и разработка высокоэффективных технологий их производства» и КА-11-004 «Исследование некоторых особенностей взаимодействия альбендазола с карбоксилсодержащими природными и синтетическими полимерами»

Целью исследования является получение полимерных комплексов медамина и альбендазола с карбоксилсодержащими полимерами и определение их физико-химических особенностей.

Задачи исследования:

выявление физико-химических особенностей получения полимерных комплексов полиметакриловой, полиакрилоилгликолевой, полиметакрилоил-гликолевой, пектовой кислот, а также пектина с гидрохлоридом медамина, с гидрохлоридом альбендазола;

определение закономерностей электростатического и общего связывания между полимерными носителями и органическими аминами;

изучение конформационных изменений исследуемых полимерных кислот при взаимодействии с лекарственными соединениями;

определение изменения термодинамических функций процесса взаимодействия между полимерными кислотами и медамином методом дифференциальной микрокалориметрии;

определение термодинамических параметров процесса сорбции

медамина гидрохлорида и альбендазола гидрохлорида гидрогелями на основе полиметакриловой, полиакрилоилгликолевой и пектовой кислот;

определение кинетики высвобождения медамина из его полимерных комплексов в водной среде при различных соотношениях компонентов, температурах, pH и ионной силе ликвирующих сред;

исследование противоэхинококковой активности полученных полимерных комплексов медамина и альбендазола.

Объектами исследования являются гидрохлорид альбендазола, гидрохлорид медамина, полиакрилоилгликолевая, полиметакрилоилгликолевая, полиметакриловая кислоты, пектин, пектовая кислота, ветеринарный препарат «Медапек» («Карпек»), поликомплексы медамина гидрохлорида с исследуемыми полимерами, поликомплексы альбендазола с исследуемыми полимерами.

Предмет исследований: иммобилизация, химическая модификация, кинетика и термодинамика процессов связывания и сорбции, идентификация и физико-химические свойства полученных полимерных систем, десорбция, фармакологические свойства.

Методы исследования. В исследованиях использованы методы потенциометрического титрования, вискозиметрии, ИК- и УФ-спектроскопии, дифференциальной микрокалориметрии и другие физико-химические методы анализа.

